

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Хотира абадий, Қадр муқаддас



Катта ғурур ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиман: Ғалаба боғининг марказида “Матонат мадҳияси” деб аталган муаззам обида барча Ўзбекистон оналарига қўйилган ҳайкал бўлиб, она Ватан рамзи бўлиб қад ростлади. Ҳеч шубҳасиз, ушбу ёдгорлик бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун қутлуғ зиёратгоҳга, оила, севги-муҳаббат, вафо ва садоқат деган муқаддас тушунчалар тимсолига айланиб қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ
2020 йил, 9 май

Вилоятимизда ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ ЎТҚАЗИЛДИ.

ШУ КУНИ НУРАФШОН ШАҲРИ БАЙРАМ КАЙФИЯТИГА ЧУЛҒАНДИ. МАРКАЗИЙ КЎЧАЛАР, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРНИНГ ПЕШТОҚЛАРИ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ БАЙРАМИ МОҲИЯТИНИ АКС ЭТТИРГАН ШИОРЛАР БИЛАН БЕЗАТИЛДИ.

Эрталабдан вилоят маросими иштирокчилари – Иккинчи жаҳон урушида Ватан озодлиги учун жанг қилган, уруш ва меҳнат фронтида мардонавор курашган бир гуруҳ юртдошларимиз ташриф буюришди. Фахрий меҳмонларни тантанавор мусиқа садолари остида вилоят ҳокими Рустам Холматов ва сектор раҳбарлари иззат-икром билан кутиб олишди.

2



ШУНДАЙЛАР БЎЛМАСА АГАР ДУНЁДА...

Вилоят ҳокими Рустам Холматов бошчилигидаги сектор раҳбарлари Зангиота тумани, Хонобод қишлоғи, “Қушбеги” маҳалласидаги Зулфия ая Зокирова яшаган хонадонда бўлишди.

Зулфия аянинг мўъжазгина ҳовлисида меҳмонларни унинг эвараси Фарҳод Муҳаммаджонов кутиб олди. Аввал хабар берганимиздек, куни кеча давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ғалаба боғида Зулфия Зокирова тимсолида ўзбек оналарининг сабр-бардоши, матонати мужассам бўлган

“Матонат мадҳияси” ёдгорлик мажмуаси ўрнатилди. “Ўзбекино” Миллий агентлиги буюртмасига кўра “Эзгу фильм” киностудияси томонидан “Илҳақ” бадиий фильми тасвирга олинди. Фильмнинг телевидение орқали намойиши халқимизга манзур бўлди.

2

Зулфия ая йиғлаган тунлар

Саноат МАҲМУДОВА,
Зулфия Зокированинг набира келини:

– Қайнонамнинг сўзлаб беришича, урушда беш ўғлидан айрилган Зулфия ая туни билан йиғлаб чиқарган. Қайнонам кириб: “Йиғламанг ойиқсон, сиз йиғласангиз нафқат мен, балки набираларингиз ҳам хавотирга тушяпмиз, илтимос ўзингизни эҳтиёт қилинг, сабрили бўлинг”, дер экан ёлвориб.

Аммо, келиннинг таскинларидан она юраги бўшамаган. У келини, набираларидан кўёшларини яшириш учун Чирчиқ дарёси бўйига бориб дардини айтиб, бўзлаб-бўзлаб йиғлар экан.

Қайнонам қалби армонга тўла Зулфия аянинг дардига шерик бўлган, ҳис қилган.

Президентимизнинг ташаббуси билан бугун Зулфия ая ва келинларига, набираларига ҳайкал ўрнатилиб, “Матонат мадҳияси” дея номланди. Бунинг замирида ўша йиллардаги ҳар бир ўзбек аёлининг дарди, қайғуси, сўнмас армонлари, матонати мужассам, албатта.

Бугун биз, фарзандлари уларнинг чироқларини ёқиб, ўттанлар ҳақиқа дуои фотиҳалар билан қилиб ўтирибмиз. Шундай аждодлар вакили эканимиздан фахрланамиз.

Изҳор



ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

ЗАНГИОТА туманидаги “WORLD CLASS” МЧЖ карантин даврида ҳам ўз фаолиятини тўхтатмади. Вазиятдан келиб чиқиб, қисқартирилган таркиб тузилди.

Яъни, 200 нафар ходимдан 60 нафари карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда ишни давом эттирди. Натижада, 41 минг АҚШ доллари миқдоридаги хом ашё экспорти амалга оширилди ва 320 млн. сўм солиқ йиғимлари давлат бюджетига тўланди.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ туманидаги қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ҳамда сервис хизматлари кўрсатишга ихтисослашган “Юқори Чирчиқ Агросервис” МЧЖга 89 млн. сўм миқдоридаги солиқ имтиёзи қўлланилди.

Корхона пандемия шароитида қийинчиликларга қарамай, ишлашда давом этди. Қўлланилган солиқ имтиёзи натижасида корхона ҳисобидида қолган маблағлардан ходимларнинг ойлик маоши тўлаб берилди.

ПИСКЕНТ туманидаги “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида дам олиш ва соғломлаштириш мажмуаси барпо этилди.

Мажмуада барча қулайликларга эга 150 ўринли меҳмонхона ва оилавий дам олиш учун мўлжалланган 8 та пансионат мавжуд.

Шунингдек, ёзги амфитеатр, мусиқали фаввора, 2 та ёзги, 1 та қишки бассейн, даволувчи пархона, фитнес зали жойлашган. Айни вақтда мажмуада курилиш-пардозлаш жараёни якунланиб, жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.



ЯНГИ УЙ МУБОРАК, АБДУРАҲИМ ОТА!

Байрам арафасида олмаликлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 101 ёшли Абдурахим ота Мавлонов вилоят ҳокимлиги томонидан тўхфа қилинган янги уйга қўчиб ўтди.

Тўхфа

Бундан 2 ой аввал Абдурахим ота шаҳар марказидан уй ажратишларини сўраб, вилоят ҳокимига мурожаат қилган эди. Отахоннинг бу мурожаати инobatга олиниб, вилоят ҳокимининг топшириғига кўра, унга шаҳар марказидан 1 хонали жиҳозланган хонадон ажратилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Илҳом Худойбергенов, Акмал Умаралиев ҳамда



шаҳар ҳокими Усмон Раҳимовлар Абдурахим отага янги уйнинг қалитини топширди.

Шунингдек, отахонга Ўзбекистон Республикаси Президентининг табрик мактуби ўқиб

эшиттирилди ҳамда “Ғалабанинг 75 йиллиги” эсдалик медали, пул мукофоти топширилди.

Куни кеча юртимиз бўйлаб буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни ўзгача шукуҳ билан нишонланди. Сана муносабати билан қисқа муддатларда пойтахтимизда бунёд этилган Ғалаба боғи халқимиз учун ажойиб тўхфа бўлди. Мазкур боғнинг очилиш маросимида Президентимиз сўзлаган нутқ ҳар бир юртдошимизнинг юрагига етиб борди. Буни қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

БИР МАСКАН БЎЛИБДИКИ...

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

– Байрам тадбирларини ойнаи жаҳон орқали жуда катта ҳаяжон билан томоша қилдим. Айниқса, давлатимиз раҳбари

юртдошларимизнинг буюк ғалабага қўшган ҳиссаларига оид янги маълумотларни халқимизга маълум қилгани кўпчилик қатори мени ҳам гоят мамнун этди.

Тошкент шаҳрида бунёд

этилган Ғалаба боғи ҳақидаги таассуротларимнинг адоғи йўқ. Бу ердаги ҳар бир иншоот тарихдан сўзлайди, гўё. “Шон-шараф” музейи, “Мангу жасорат”, “Матонат мадҳияси” монументлари жуда жонли

яратилди. Мазкур боғ том маънода урушда қаҳрамонлик кўрсатган ўзбек жангчилари ва фронт ортида ўзини аямай фидокорона меҳнат қилган юртдошларимиз учун муносиб ёдгорлик бўлибди. Афсуски,

юртимиздаги карантин чекловлари туфайли ҳозирча боғни бориб кўролмадик. Аммо, имкони бўлиши билан оила аъзоларимни олиб бу масканни зиёрат қилишни ният қилиб кўйдим.

Хотира абадий, қадр муқаддас

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг байрам табриги эшиттирилди ҳамда фахрийларга пул мукофоти, эсдалик медаллари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Давлатимиз раҳбари тўғридан тўғри видеоконференц-алоқа орқали уруш фахрийлари, фронт ортида жасорат кўрсатган юртдошларимизга самимий дил сўзларини, байрам табрикларини йўллади. Фахрийлар жойларда уруш қатнашчиларининг уйларида ҳамда виллоят ҳокимлиги студиясида мазкур мулоқотни катта

(Давоми. Бошланиши
1-саҳифада)



қизиқиш ва эътибор билан тинглашди.

Сўнгра шинам дастурхон атрофида уруш ва меҳнат фахрийлари файзли суҳбатни давом эттиришди.

Шунингдек, шу кунни виллоят ҳокими сектор раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида Нурафшон

шаҳридаги "Мотамсаро она" монументи пойига гулчамбар қўйиб, ҳурмат бажо келтирди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда виллоятимиз бўйича жами 84 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилади. Байрам арафасида виллоят ҳокими, сектор раҳбарлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари уларнинг хонадонларида бўлиб, давлатимиз раҳбарининг табрик мактубини ўқиб бериб, пул мукофоти ҳамда эсдалик совғаларини топширишди.

Ўз мухбиримиз
Виллоят ҳокимлиги
Ахборот хизмати
олган суратлар

Мутахассис минбари


СИЗ СОҒИНГАН КУНЛАР, АЛБАТТА, ҚАЙТАДИ!

Инсоният раҳм-шафқатни билмаган, иркни, эътиқодни ёхуд миллатни фарқламайдиган энг хавфли душманга рўбарў келди. Коронавирус пандемиясининг оқибатларидан барча китъалар аҳолиси, ёшу қари бирдек азоб чекмоқда.

Виллоятимизда ҳам ушбу инфекциянинг олдини олишда шифокорларимиз, санитария тизими мутахассислари алоҳида фаоллик кўрсатишмоқда.

Маълумки, шу йил март ойининг охирида Юқори Чирчиқ туманида жуда қисқа муддатларда махсус карантин зонаси қуриб битказилди. Мазкур касалхона 55 гектар майдонда қурилган бўлиб, 4 нафардан 8 нафаргача фуқаролар жойлаштирилиши мумкин бўлган, барча шароитлар

ҳамда самарали олиб бориш учун виллоятда 80 нафар ходимдан иборат бўлган 20 дан ортиқ гуруҳ ташкил этилди. Белгиланган тартибда тузилган гуруҳ аъзолари ишни эрта тонгда тегишли топшириқни олишдан бошлайди. Бир марталик махсус кийимларни кийиб, карантин ҳудудлари



га эга 3 мингдан ортиқ махсус жихозланган контейнер-хоналардан иборат. Жами 15 та алоҳидаланган блоклар тайёр ҳолатига келтирилиб, ҳар бир блокда 500 нафардан 740 нафарга қадар фуқаро жойлаштирилди.

Мавсум бошидан карантинга олинган фуқаролар жойлашган масканларга уларнинг саломатликларини ўрганиб бориш ва таҳлил қилиш учун эпидемиологлар ҳамда дезинфекцияловчи мутахассислар жалб этилди. Даволаш профилактика муассасаларида 392, болалар ва ўсмирлар муассасаларида 1 минг 386, бозор ва савдо шаҳобчаларида 12 минг 559, автокорхоналарда 154, автобус ва таксиларда 11 минг 341, кўчаларда 4 минг 38, маҳаллаларда 1 минг 109, карантин кузатув ҳудудларида 2 минг 442, жами 661 минг 503, яъни, 44 млн. 310 минг 960,4 кв.метрик кенг кўлашда дезинфекция тадбирлари амалга оширилди.

Виллоят Санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг вирусология ва бактериология лабораториясига COVID-19 инфекциясини тезкор ҳамда самарали аниқлаш учун қўшимча ПЦР анализатори олиб келинди. Ушбу анализаторлар белгиланган тартибда куну-тун фаолият кўрсатмоқда. Улар ёрдамида олинган синамаларни кўрсатилган муддатда таҳлилдан ўтказиб, ўз вақтида тегишли идораларга тақдим этиш имкони яратилди. Шу боис, касалликка қарши профилактик тадбирларни ушшоқлик

га боришади ва касалликка гумон қилинган шахслардан COVID-19 учун таҳлиллар олишади. Олинган синамалар виллоят СЗОМ қошидаги вирусология ҳамда бактериология лабораторияларига етказилади. Улар мутахассислар томонидан ўрганилиб, натижалар тегишли ҳужжатларда қайд этиб борилади. Амалга оширилган чора-тадбирлар ҳамда иш жараёнида юзга келган муаммолар ва кунлик маълумотлар виллоят штабига тақдим этилади.

Дарҳақиқат, шундай оғир шароитда эпидемиолог, вирусолог ва бошқа мутахассисларимизнинг касалликка қарши курашиш борасида кўрсатаётган фидойиликларига тан бериш иложимиз йўқ. Айнан ана шу сўғай-ҳаракатлар самарасида касалланиш ҳолатлари барвақт аниқланиб, хавф анча чекинмоқда. Соғайган юртдошларимиз сони ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда.

Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, бирдамлик билан юртимизга кириб келган пандемияни тез кунда енгиб, халқимизга осуда ва хотиржам ҳаёт тарзини яна қайтариб беришга бел боғлангиз. Бу мақсад йўлида, албатта, сизнинг кўмагингиз ва вазиятни тўғри тушуниб, қўллаб-қувватлашингиздан умидворимиз. Шундай экан, ўзингиз ва яқинларингизни эҳтиёт қилинг! Гигиена қоидаларига риоя этинг.

Бахтиёржон БОЛТАБОВЕВ,
виллоят Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош шифокори

Томорқа тажрибаси

Оҳангаронда киви етиштирилмоқда



Киви — аслида қушнинг номи. У Янги Зеландия ўтлоқ ва ўрмонзорларида яшайдиган товуқсимон жонзот бўлиб, мамлакатнинг миллий рамзи саналади. Тахминан 80 йил аввал, бу мева жуда бемаза бўлган. Фақатгина маҳаллий фермерларнинг изланиш ва тажрибалари сабаб, у ҳозирда нордон, сёрсув ва ёқимли таъмга кирган. Аслида субтропик ўсимлик ҳисобланган кивини Ўзбекистон шароитида ҳам кўпайтирса бўлар экан.

Халқимиз меҳнаткаш. Ерга чўп қадаса, ниҳол бўладиган ерларимиздан унумли фойдаланадиган деҳқонларимиз ҳар ишининг удадасидан чиқишмоқда. Буни биргина оҳангаронлик деҳқону бобонларимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бобонликка қизиқиши юқори бўлган Ортиқ ака Эргашевнинг хонадонига кириб, инсоннинг қўли гул, деганларига яна бир бор амин бўлди. Хилма-хил дарахтлар яшнаб турган ям-яшил богга бир кирган кишининг қайтиб чиқиши келмайди. Анор, узум, олма, гилос, ноканжир, қораанжир, смородина, малина, лимон, ҳинд настранини, турли сабзавотлар ва киви дарахти яшилликка бурканиб, гуллашга чоғланмоқда.

Ортиқ ака 3 йил олдин тажриба учун киви экиб кўрганди. Эндиликда бу шифобахш ва ма-

зали мевани ўстиришни пухта ўзлаштириб олиш ниятида. "Ўзимизнинг токка ўхшар экан. Мана, ҳозир гўнча тугди. Гуллагандан кейин, унинг мевага кириши қийин бўлмайди", дейди суҳбатдошимиз. Киви 16, 18 даража совуққа ҳам чидай оладиган ўсимлик. Тўғри парваришланса, гектаридан 30-40 тоннагача ҳосил кўтариш мумкин. Мазкур маълумотларни Ортиқ ака интернет сайтларида ўқиган. У киши боғдорчилик бўйича ўзимизникилар олиб бораётган турли тадқиқоту лойиҳалар билан бирга илгор хорижий тажрибаларни ҳам кузатиб боради.

Эсимни танибманки, бизнинг хонадонимизда томорқа ҳеч бўш турмаган, — дейди Собир ака. — Кишин-ёзин навбат-ма-навбат етиштириладиган мева-сабзавотлар бор. Сабр-қаноат билан меҳнат қилиб, ерга

озгина меҳр берилса, рўзгорни бемалол тебратиш мумкин. Буни мен ўз тажрибамдан билман. 3 йил олдин киви меваси уругини қуриб, гулгувакка экдим. У кўчат бўлгандан сўнггина ерга олинар экан. Биринчи йили қишда совуқ урмаслиги учун, хашак билан ўраб қўйилди. Кейинги йилларда новдалари анча катталашиб, қушга кирган, қишда ўраш шарт бўлмайди. Новдаларини худди ток сингари тараб қиқилади. 3 йил деганда гўнча чиқаради. Айни пайтда уларни эътибор ва меҳр билан парваришлялман. Ҳозирги нозик даврдан ўтиб олса, албатта, мева тугади. Агарда тажрибамиз ихобий натижа берса, фарзандларим билан бу ишни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Мафтуна МАЛИКОВА

Баҳор деҳқонларимиз учун фурсат фасли, десак муболага бўлмайди. Сабаби, халқимиз дастурхони тўкин бўлиши ерга уруғ ўз вақтида қадалишига боғлиқ. Акс ҳолда бой берилган ҳар бир кун ҳосилдорликнинг камайишига, провардида озиқ-овқат танқислигига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, қишлоқ хў-

— Соҳа мутахассислари бу йил қишлоқ хўжалиги вакиллари учун жуда катта синав йили бўлади, дейишмоқда.

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Коронавирус сабаб озиқ-овқат маҳсулотларига талаб кескин ошиб кетди. Асосси ваҳималар, турли миш-мишлар таъсирида баъзи одамлар шошиб қолиб, озиқ-овқат ғамлашга тушибди. Лекин, мамлакатимизда озиқ-овқат захираси етарли. Шундай бўлсада, озиқ-овқат масаласига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор берилмоқда. Яқинда Президентимиз шу масала юзасидан видеоселектор йиғилишини ўтказди. Унда бир қатор вазирлар белгиланган қўшниқлар билан суҳбат қилишди. Давлатимиз раҳбари халқаро экспортлар фикрига таяниб, айни дамда дунёда пандемия оқибатида очарчиликдан қийналаётган аҳоли сони 2 баробарга ошиб, 1 миллиард 600 миллионга етишини таъкидлади. Бу жуда катта рақам. Шунинг учун ҳам озиқ-овқат тақчиллигининг олдини олиш юзасидан қандай йўл тутиш устидан бош қотиришимиз шарт.

Биз ҳам озиқ-овқат махсу-

жалигида ишни асло ўз ҳолига ташлаб бўлмайди. Шу қизгин кунларда бозорларимиз тўкин-сочинлигини таъминлаш мақсадида далада астойдил меҳнат қилаётган Юқори Чирчиқ туманидаги "Прогресс агро бизнес" фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Жўраев билан суҳбатлашдик.

лотлари ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш борасида изланаямиз. Фермер хўжалигимиз кўп тармоқли ҳисобланади. Сутни қайта ишлаш, нон маҳсулотлари ва гўшт етказиб бериш

БОЗОРЛАРИМИЗДА МАҲСУЛОТ КЕРАГИДАН ОРТИҚ БЎЛАДИ

дейди Юқори чирчиқлик
фермер Тўлқин Жўраев

ҳажмини ошириш, тақририй экинлар экишга жиддий эътибор қаратаёلمиз.

— Нон ва сут маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини қандай оширмоқчисиз?

— Фермер хўжалигимиз 207 гектар ер майдонига эга. Пахта, ғалла, чорва ва сабзавот йўна-лишларида меҳнат қиламиз. Хўжалигимизда 120 бош наслдор қорамол бор. Айни пайтда кунига 800 литр сутни қайта ишлаб қаймоқ, бринза, творог маҳсулотларини бозорларимизга етказиб бераёلمиз. Энди бу кўрсаткичи оширмасак бўлмайди. Шунинг учун хориждан яна 96

3 минг литр сутни қайта ишлаб, маҳсулотлар турини оширамиз. Шунингдек, гўшт маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ҳам кўпайтирамиз. Нон маҳсулотларига келсак, бу борада ҳам яхши режамиз бор. Очиги, биз урни сотиб олардик. Энди буни тўхтатамиз. Айни пайтда фермер хўжалигимиз худудидида тегирмон қураёلمиз. Яқин кунларда қурилиш ишларини тугаллаб, тегирмонни ишга туширамиз. Натижада, бир ойга 35 тонна ун ўзимиздан чиқади. Бу, албатта, нон маҳсулотларимизнинг тури кўпайиб, нархи ҳам арзонлашини таъминлайди.



тўғри амалга ошириб, энг шилариб, ақл билан иш юритилса, миллионлаб даромад олиб, катта фойда кўриш мумкин. Бунинг учун ер билан тиллаша билиш керак. Умуман олганда, бу йилги синавдан тўғри хулоса чиқариб, ҳосил ва даромадни кўпайтириш мақсадида ҳам янгича усулда, ҳам фидойилик билан ишлаш керак.

— Тўқсонбости экинлардан

— Тақририй экинлар экишда нималарга эътибор қаратасиз?

— Ўтган йили тақририй экинларни ички бозорга етказиб бериш барибаради хорижа 42 минг долларлик экспорт қилдик. Бу йил насиб қилса, ўтган йилги натижадан ошамиз. Баъзилар тақририй экиндан унча фойда йўқ деб, нолиб қолишади. Бу бир баҳона холос. Агар агро-техник тадбирларни ўз вақтида

ҳам экандирсиз?

— Албатта! 14 гектар майдонга пиёз эканмиз. Агротехник тадбирларни ўз вақтида бажардик. Керакли минерал ўғитларни ҳам бердик. Ҳосилдорлик 600 тонна атрофида бўлишини тахмин қилиб турибмиз. Насиб қилса, ички бозорларимизга 400 тонна пиёз чиқарамиз. Қолган 200 тоннасини экспортга мўлжаллаёلمиз.

Фермер хўжалигимизда зарур техникалар етарли. Ҳатто, халқаро юк ташини хизматини йўлга қўйганмиз. Хорижа маҳсулотларимизни 2 та 20 тонналик музлаткичли юк ташини транспортда олиб борамиз. Шунинг учун бу йил экспорт қилган маҳсулотларимиз ўрнига шу транспортларда озиқ-овқат маҳсулотларидан қайси турларини олиб келишни уйлалаямиз. Бунга ҳолат борми йўқми, ҳозир аниқ айтишми қийин. Лекин, эҳтиёт шарт режа қилиб қўйганимиз яхшида. Чунки, карантин вақтида ижтимоий тармоқларда картошканинг нархи ошиб кетганлигини, озиқ-овқат маҳсулотларининг захираси камлиги ҳақида асосси хабарлар урчиб кетди. Эртага, карантиндан кейин хавотирга асло ўрин йўқлигини амалда ҳам исботлашимиз учун бозорларимизни сара маҳсулотлар билан тўлдиришимиз керак. Ишонамани, бу йил ҳам бозорларимиз тўкин бўлади.

Абдусалим МАҲМУДОВ
Тошкент ҳақиқати

ШУНДАЙЛАР БЎЛМАСА АГАР ДУНЁДА...

Зулфия ая хонадо-нида унинг авлодлари билан бўлган суҳбатда мана шулар ҳақида сўз борди. Виллоят ҳокими Президентимиз ташаббуси билан тасвирга олинган фильми катта ҳаяжон, қизиқиш билан томоша қилганини, Зулфия ая тимсолида уруш даврида яшagan минглаб оналарнинг аччиқ қисмати таъсирли, зўр бадиий маҳорат билан тасвирланганини эътироф этди.

— Юраги тўла доғу ҳасратлар билан яшаб, шунда ҳам ўз иродасини йўқотмай, меҳнат қилиб, фарзандларидан ёдгор набиралари тарбияси билан машғул бўлган онаизор ҳақи равишда матонат тимсоли, буюк жасорат соҳибаси, — деди Рустам Холматов.

Виллоят ҳокими маҳалла ва жамоатчилик тақлифидан



гусида уни уй-музейга айлан-тириш юзасидан бирламчи ишларни амалга оширишга кўрсатма берилди.

Бундан ташқари, виллоят ҳокимлиги буюртмаси билан Зулфия Зокированинг ҳаёт йўли, оиласи, авлодлари ҳақида китоб ҳам нашрга тайёрланади.

Зуллайҳога...

(Юсуф Холматов тилидан)

Қизил қонми, қора қонми — нурдай бу қон,
Жоним чикар, бунча оғир бу ҳаяжон,
Олисларда ҳолинг қандай Зуллайҳожон,
Сени битта ўполмадим... Уруш курсин!

Ҳаёт асли бир қўшиқдир, қуйми қара,
Олислардан ёр-ёр келар, тўйни қара
Ўлимолди уйлайдиган уйни қара...
Сени битта ўполмадим... Уруш курсин!

Жангда ҳамма йиғлар, ҳеч ким кулмасакан,
Ватан учун жангга кирган ўлмасакан,
Айтганингдек, урушда қиз бўлмасакан,
Сени битта ўполмадим... Уруш курсин!

Онам қандай, жони омон, саломатми,
Камзули сал кечикдида — омонати,
Сен онамдан ўргангин, хўп, матонатни...
Сени битта ўполмадим... Уруш курсин!

Унутма ҳеч, унутмасин дўсту ёрлар,
Мени эсла, ёмғир ёғса, ёғса қорлар...
Эсингдами айтган гапим, олмасорлар...
Сени битта ўполмадим... Уруш курсин!

Қалбимда ишқ, қалбимда сен — қандай қудрат...
Сенда мендан на бир хат бор, на бир сурат,
Мени қучиб қолар бўлди Ленинград...
Сени битта ўполмадим... Уруш курсин!

Аслидин САБРИДДИНОВ
Паркент тумани

Мамлакат раҳбарининг жорий йил 16 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони мамлакатда фуқаролар, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини ўрнатиш, қолаверса, давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фармон 17 та банддан иборат бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жамоатчилик палаталарини шакллантириш, Жамоатчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари, ташкилий тузилмаси, молиялаштириш манбалари каби масалалар қамраб олинган.

Фармонга асосан, Жамоатчилик палатаси – республика даражасида ҳамда ҳудудий миқёсда ташкил этилади. Республика даражасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси (Жамоатчилик палатаси), ҳудудий даражада эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жамоатчилик палаталари (ҳудудий Жамоатчилик палаталари) тузилади.

Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари доимий фаолият юритувчи маслаҳат кенгаши органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси – жамоатчилик асосида ишлайдиган, яъни бир вақтнинг ўзида асосий меҳнат фаолиятдан ажралмаган ҳолда фаолият олиб борадиган 50 нафар аъзодан иборат бўлади.

Жамоатчилик палатасининг 18 нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади, яна 18 нафари эса Республика миқёсида фаолият кўрсатаётган нодавлат

нотижорат ташкилотлари (мамлакатда фаолият юритаётган чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва

доиралар, ОАВ ва кенг жамоатчилик вакилларидан ташкил топади. Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари аъзоларининг ваколат муддати биринчи умумий йиғилиш ўтказилган кундан бошлаб 3 йил этиб белгиланади.

Фармонда Жамоатчилик палатасининг йўналишлари белгилаб берилган.

ЖАМИЯТ – ислохотлар ташаббускори



Жумладан, Жамоатчилик палатаси

– давлат, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг

мамлакатини янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган самарали мулоқотни йўлга қўйиш;

– уларнинг ижтимоий манфаатлари қилинишини таъминлаш;

– фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини фаоллаштириш;

– аҳоли фикрини тизимли ўрганиб бориш;

– жойларда ва соҳаларда аҳолини, фуқаролик жамияти институтларини ҳамда жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш;

– уларнинг ечимлари бўйича Президентга, Олий Мажлис

ниде, энди Жамоатчилик палатаси мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги нуфузини, обрўсини оширишга хизмат қилади ва шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда фуқаролик жамияти институтларининг амалий ва самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишга кўмаклашади ва мазкур масалада жамоатчилик эшитувларини ташкил этади.

Фармонда, шунингдек, Жамоатчилик палатаси ташкил этилганлиги муносабати билан жамоатчилик тузилмалари вазифалари тақдорлаштирилиши ол-

Бир сўз билан айтганда, янги тузилма юртимизда барча соҳаларда жадал ислохотлар амалга оширилаётган бузувчи жараёнларда "Жамият – ислохотлар ташаббускори" деган гоёни амалда рўйбега чиқариш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
Халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгаши депутати

Муносабат

дини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ва Маркази фаолиятини тугатиш белгилаб қўйилган.

Фармонга кўра, Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари томонидан ўтказилган ўрганишлар ва таҳлил натижалари ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) Кенгашларида қўриб чиқилади.

Жамоатчилик палатаси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисининг иккала палатасига мамлакатимиздаги фуқаролик жамиятининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари тўғрисида йиллик миллий маърузалар тақдим этиб боради.

Эътиборли жиҳати, бизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга Жамоатчилик палатаси сўрови деган институт, яъни, жамоатчилик назорати шакли кириб келаяпти. Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари давлат органлари ва ташкилотларига қўнунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига қирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асосланганлиги тушунтириш бериш ёки нуқтан назарини баён этиш талаби билан Жамоатчилик палатаси сўровини юбориш ҳуқуқига эга бўлмоқда.

Талаба кундалигидан

Бироқ, биз баъзида бирор ишнинг уddасидан чиқолмаганимиз учун ўз-ўзимизга баҳоналар тўқишимиз, сабаблар кўрсатишимизга ва бу баҳоналарга ўзимиз чин дилдан ишонишимизга тўғри келади. Бу эса ўқитувчи ёки раҳбарга баҳона тўқишдан кўра мушкулроқ иш. Чунки, ҳаммасини билиб турган онгнинг онгсиз ҳаракат билан чалғитиш осон эмас. Бунинг учун бизга манتيкий асосланган, инкор қилиб бўлмайдиган "ақлли" баҳоналар керак бўлади ва ҳимоя механизмининг "рационализация" усули ўз-ўзидан ишлаб кетади.

Рационализация – психологик мудофаа турларидан бири бўлиб, бунда шахс мунозарали ҳаракатлари, қилмиш-

лағ етишмайди. Барча фанларнинг аъло баҳона ёпиб, бешлик стипендия олганингда курсларга ҳам пул ажратишининг мумкин эди, дейсизми? Э, йўқ, шомманг, ахир мен 5 баҳона ўқийман учун аввало инглиз тилини билишим керак-ку! Мени эса университетдаги инглиз тили дарслари туфайли баҳоларим пасайиб кетди. Ишлаганим мумкин инглиз тилини ўрганишга барибир вақтим ва кучим қолмасди..

Биз бирор вазиятнинг оқибатини ўйлашдан кўра, шу вазиятни юзга келтираётган манتيкий сабабларни қидиришни, тополмасак, ўйлаб топишни яхши кўраимиз. Чунки, оқибатни ўйлаш

Биз уйга вазифани бажармаганимиз учун ўқитувчимизга, топшириқни бажармаганимиз учун раҳбаримизга баҳоналар тўқиймиз. Улар бизни кечирини ёки кечирмаслигидан қатъи назар кўрсатишга сабабимиз бўлса кифоя. Бундай баҳоналар, одатда, кўпчилик учун бир хил бўлади.

БАҲОНАЛАР БИЛАН КУШДЕК ЕНГИЛ БЎЛА ОЛАМИЗМИ?

лари, ҳис-туйғуларини оқлаб, уларни манتيкий сабаблар билан тушунтиради. Рационализация – шахснинг ички моҳирларга йўл қўймаслик ва ўз-ўзини айбдорликдан соқит қилиш учун онгсиз равишда уринишидир. Ўшбу атамани австриялик психоналитик Зигмунд Фрейд фанга олиб кирган. Унинг давомчиси Анна Фрейд эса рационализацияни кенг қўламда ўрганиб чиқади ва фандаги фаол атамалардан бирига айлантиради.

Жаҳон психологиясида рационализацияни тушунтиришнинг кенг тарқалган усули "Тулқи ва узум" мисолидир. Унга кўра, тулқи узумни кўлга киритиш учун узок ҳаракат қилади ва муваффақиятсизликка учраганлиги учун, узум хали ям-яшил эканлигини айтиб, узумдан воз кечади. Нега айнан тулқи? Сабаби, тулқи рамзийликда ўзининг "айбдорлиги" билан машғур.

Биз бу ҳимоя механизми ёрдамида ўзимизни оқлаймиз, айбдорлик ҳиссидан қутуламиз, енгилликни ҳис қиламиз. Чунки, биз бу вазиятда иррационал (онгли равишда) ўйлаб, мантиқан қилинмаган) ҳаракатларимизга рационаллик тусини бераётган бўламиз.

Инглиз тилини ўрганишим керак деб ҳисоблайдиган, бироқ 4 йилдан буюн ҳам ўргана олмаётган битирувчи курс талабасининг вазиятга нисбатан ишлатган рационализацияси: "Мен инглиз тилини ўрганишни хоҳладим, бироқ бунга вазият йўл қўймади. Чунки тил ўрганиш курслари қиммат. Менда эса маб-

курқинчли, манتيкий сабаблар келтириш эса "кушдек енгил" бўлишга ёрдам беради. Бирор гуноҳ қилиб қўйсак, психика шу гуноҳни қилишимизга сабаб бўлган турткиларни қалаштириб ташлайди. Биз гуноҳкорлик ҳиссидан қутуламиз, бироқ жазодан эмас.

Бутун дунёда юзга келган вазият – карантин, қўпчилигимиз учун тайёр рационализация вазифасини ўтаётти. Сабаби, ўқув муассасаларида, хусусий ўқув марказларида дарслар тўхтатилди. Бу эса ҳаракатдан тўхташни маъқул кўрганлар учун айбдорлик ҳиссини қамайтиривати. Дам олгиси келаятган абитуриентларнинг оз бўлсада енгил тортишларига имконият яратаяпти. Улар дарсларни карантинсиз ҳам тўхтатиш ҳуқуқига эга эдилар. Бироқ, агар шундай қилинса, ўзларини айбдор ҳис қилишлари ва тушқунликка тушиб қолишлари мумкин эди.

Рационализация баъзида психика учун қанча фойдали бўлса, мақсадларимиз учун шунча зарarli бўлиши мумкин.

Ҳаракатдан тўхтаб қолганим учун мен айбдор эмаслигим, ҳаракатсизлик натижасида юзга келиши мумкин бўлган вазият менга дахлдор эмаслигини аналитмайди. Баҳоналар қанча ширин бўлса, оқибат шунча нордон бўлишини унутмаслик керак.

Хўш, карантин бирор ишни бажармаслигимиз учун чинакам сабабми ёки ундан рационализация вазифасида фойдаланаямизми?

Мафтуна АЛИЕВА,
талаба

Моҳият

*** Одамнинг эҳтирослари денгиз қумлари каби беҳисобдир. Бу эҳтирослар бир-бирига ўхшамайди, улар ҳаммаси: ёмон ҳам, яхши ҳам, аввал одамга итоаткор бўлади, сўнг эса унинг даҳшатли ҳукмрончи бўлиб қолади. Бу эҳтирослардан энг яхшисини танлаб олган киши бахт-саодатлидир; унинг бахт-саодати соат сайин, дақиқа сайин ортиб, тобора улғайиб боради ва бу одам бора-бора ўз руҳининг поёнсиз жаннатига қиради.**

*** Аҳмоқ аҳмоққа ақл ўргатади ва аҳмоқлигича қолади. Ўзининг аҳмоқона дурнидан нарини кўрмайди. Ўзи вурт эмак-ку, тагин кафедраларга ақл ўргатаётгани бўлади, кўзойнак ҳам тақади...**

*** Ҳар бир одамга хуш ёқадиған сўзлар бўлади ва бу сўзлар унга бошқа сўзлардан яқинроқ ва дилбарроқ туюлади.**

*** Бу сервалва дунёни ва унинг васасакор борди-келдиларини унутинг; бу сервалва дунё ҳам сизни унутсин, бу дунёда осойишталик йўқ. Ўзингиз кўриб турибсиз: бу дунёда ҳамма нарса ё душман, ё васасакор, ёки хиёнаткор.**

Николай ГОГОЛ

Чўнтак пул кўрганда, китоб дўконларига шошадиган одат ҳамма китобхонларда бўлса керак. Жумладан, менда ҳам. Маош олишим билан, ҳамёном ва энг сара асарлар сотиладиган қадрдон китоб расталаримга учиб бораман. Янада арзонроқларини харид қилиб олиш учун, бира тўла наشريётларга тегншли бўлган дўконларга юзланаман.

Энг сифатли ва дурдона асарларни доим "O'zbekiston" нашриётида чиққан китоблар орасидан топаман. Охири марта Гоголнинг "Улик жонлар" поэмасига кўзим тушганди. Лекин сотиб ололмаган-

фикр бўлиб, қалин дўст тутунганмиз. Николай Гогол асосан одамлар онги, ахлоқи, халқнинг юморга бой афсоналари, урф-одатларини акс эттиради. "Улик жонлар" эса ижодининг энг чўққиси ҳисобла-

лан уddaбуронга айланган, мол-дунёга ўта ружу қўйган орузманд коллеж маслаҳатчиси. Аслида, у ёмон одам эмас, аксинча, кун келиб фаровон ҳаёт кечирини, сепли қиз билан оила қўриб, ҳашаматли уйда фарзандлари билан шод-хуррам яшашни истовчи, ўрта ёшдаги хушбичим одам. Бу мақсади йўлида бир неча бор ҳаракат қилади, аммо ҳар сафар руҳан синиши, ўзи бошлаган курашда тақдор енгиллиги сабаб, қингир йўл тутиш-

бўлади. Бу каби "тирик" деҳқонлар эса калондимоғ помешчиклар – Манилов, Сабакевич, Ноздрев каби амалдорларда бисёр эди. Чичиков уларни мохирона чув тушириб, ўз рўйхатидаги деҳқонлар сонини қўлай-тириб бораверади. Ниҳоят, тез орада помешчиклардан бирига айланади.

Гогол бу помешчикларнинг характерларини тасвирлар экан, манраат учун ҳар қандай чиркинликдан, ўтакетган пасткашлик ва

Мутолаадан сўнг

сарф қиламан. Қишлоқда тер тўкиб меҳнат қиламан, ишлайман, ҳалол иш қиламан ва бу билан бошқаларга ҳам яхши таъсир қўрсатаман. Хўш, ростдан менга нима бўлди: гўё мен бутунлай ишдан чиқиб қолганга ўхшайман. Ҳўжалик билан шуғулланишга қобилиятим бор; мен тежаб-тергаб, энцилик, ақл-фаросат билан, ҳаттоки сабот билан иш қўришга лаёқатлиман. Фақат қатъият ва ихлос керак."



"Улик жонлар"дан тирик туйғулар

дим. Жуда ўқигим келганидани, буни қарангки, ўша кун ишхонам худди шу китобни қўлтиқлаб келиб қолди. Ва хурсанд бўлиб ўқишни бошлаганимдан сўнг, саҳифаларнинг тугаб қолмаслигини хоҳлаб яқунладим. Асар ҳақида нимадир қорламоқчи бўлиб ва тавсия қилиш ниятида кундалигимга ёзган қайдларимни сиз билан ҳам ўртоқлашгим келди.

Аввал оғайним Николай ҳақида қисқача айтиб ўтсам: унинг ижодида илк қизиқишим "Диканка қишлоғи оқшомлари" китобидан бошланган. Илк танишувдаёқ у билан ҳам-

нади. Бу асар ҳақида ёзувчи ўзи шундай дейди: "Агар бу асарни кўнгилдагидек ёзиб тамомласам, у вақтда... нақадар ўр, оригинал бир сюжетни кўрасиз. Нақадар ранг-баранг бир тўдани кўрасиз! Унда бутун Русия намоян бўлади" (Бир дўстига ёзган мактубидан).

Дастлаб, мени ўзига жалб қилган тарафи китобнинг бежирим муқовасидаги гаройиб ва ўйлантирадиган номи бўлди. Нега айнан "Улик жонлар" экан, деган қизиқишда асарга қандай шўнғиб кетганимни сезмай қол қолдим.

Бош қаҳрамон Павел Чичиков, замон зайли би-

га мажбур бўлади. Яъни, арзон-гаровга деҳқонлар сотиб олишни бошлайди. Асар воқеаларининг вақти 1812 йилги урушдан кейинги даврда кечади. У даврда энг обрўли ва мансабдор шахс бўлиш учун Чичиковнинг қўл остида қора ишчилар ва хизматкор деҳқонлар кўп бўлиши лозим эди. Уларни арзон ва кўп миқдорда харид қилиб олиш учун ўлганлари, ўлик бўлганда ҳам ҳали помешчиклар рўйхатида тирик жон бошида турганлари айнаи мудоао эди.

У даврда ҳам қиборларнинг қўллаб қўллади вабодан қирилиб кетган

тилегламалардан тап тортимайди қимсалар устидан ошқора қулади. Бу воқеалар давомида ўқувчи қўтаринки кайфият бериб туради. Якунида эса барибир, Чичиков шош бўлади ва ўз иқдорини келтиради:

"Ўзимда ўқув ва ҳиссиёт йўқ, лекин бошқаларнинг ўқувли ва ҳиссиётли бўлиши учун бор кучимни сарф қиламан; ўзим ярамасман ва бутунлай лаёқатсизман, лекин бошқаларни ишга солиш учун бор кучимни сарф қиламан; ўзим ярамас наслонийман, лекин бошқаларни йўлдан оздирмаслик учун бор кучимни

Асарни ўқигач, ўзимдаги қўсурларни яққол кўра бошладим. Энди эса вақтида иқдор бўлишни ва уларни тузатишни ўрганаётиман. Бу жуда жўн кўриниш мумкин, лекин ҳозирги пайтда ўзидан айб қидириш ва бунга ошқора иқдор бўлиш ҳеч кимни қўлдан келмаслиги айнаи ҳақиқат. Ҳар ким ўзини ҳаммадан кўра доно ва ҳақгўй санайди. Бу "мен"ликни енгил осон эмас. Шундай бўлсада "Улик жонлар"ни ўқиб, вабодан ҳам қўрқинчлироқ касаллик билан курашини бошладим. Мағлуб ёки ғолиб қилишимни ҳали вақт кўрсатади.

Муҳаммад СИДДИҚ

Эълонлар

«CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йил 15 июнь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига "Махат-Chirchiq" акциядорлик жамиятининг 11.05.2020 йилдаги №27-2/13-сонли буюртманомасига асосан жамият тасаруфидан бўлган Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси манзилида жойлашган, фойдали майдони 487,55 кв.м. иборат СА ва СК лаборатория биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 414 497 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк 2020 йил 15 июнь кунин соат 11.00 да сотилмаган тақдирда, тақририй савдолар 2020 йил 22, 29 июнь кунла-

ри соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қўйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, вако-

латли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Аукцион савдоларида иштирок этувчи талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш

кунлари (шанба, яшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш кунин олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотида шартномасини имзолаш ҳамда кўчмас мулкнинг сотув қийматидан 15 фоиз миқдорда ҚҚС тўлаш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдоси натижалари асосан ғолиб харидор савдо ташкилотчисига мулк сотув қийматидан 1

фоизи миқдорда тўлов тўлаш мажбуриятини олади.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ, АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими, х/р: 2020800010075166001. МФО 01132. СТИР 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикфол кўчаси, 34-уй.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси, 2-уй. "Махат-Chirchiq" АЖ биноси.

Телефон: +998-71-236-25-53. www.capitaltrust.uz. Лицензия RR – 0298.

Б е к о б о д шаҳар техника иқтисодиёт касб-хунар коллежи (Бекобод санот техникуми) томонидан Эшматова (Ғаибназарова) Дилом Акрамовна номига берилган № 403632 р.0934 рақамли дипломни тақдим қилиш билан БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Истеъдод вақт билан ҳисоблашмайди

“Тошкент ҳақиқати”
таништиради

*Истеъдодларга эргали
берили керак, истеъдодлар
ўз ўйларини топиб
кетишади...*
Лев ТОЛСТОЙ



Соз чалсанг – Хушнуддод чал!

Донолар билиб айтишган: истеъдод вақт билан ҳисоблашмайди. Бироқ, чинакам истеъдоднинг юзага чиқиши осон бўлмайди. Улар худди етти кават ер қазидан кўз ёриб, сизиб чиққан булоқларга ўхшайди. Заҳмат чекиб, атрофга оби-ҳаёт улашади. Энг муҳими, бу зиллолликни излаб топиш, баҳраманд бўлиш, бу ҳақда бошқаларга ҳам далолат қилишдир. Одам қадами тегмаган, инсонлар қониқиб сув ичмаган булоқларнинг эса... суви қуриб, кўзи беркилиб қолиши ҳам ҳеч гапмас...

Йигирма бир ёшида қатор танловлар ғолиби бўлиб улгурган, ижтимоий тармоқлар орқали аллақачон минг-минглаб мухлисларга эга бўлган Хушнудбек билан суҳбатимиз мазмунли кечди. Суҳбат асосида унинг факулдада жўяли фикрларини қайд этиб борарканмиз, табиат бу ёшга ҳар тарафлама қобилият бергани, чинакам санъат асли маънавий тарбия, одоб-ахлоқ ҳазинаси эканига ишонч ҳосил қилдик. Энг муҳими, Хушнуднинг ўзида истиқболга интилиш, кўзларида эртанги кунга қатъий ишонч ва масъулият ҳиссини кўрдик.

Асли болалигидан устоз санъаткорлар ижодида, яна созандаликка ихлос бoлган Хушнудбек 4-синфга борганида бирор бир миллий чолғу асбобини ўрганмоқни мақсад қилган экан. Бу интилиш уни Оҳангарондаги 6-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабига етаклаб келади. Бу ерда устозлари кўмагида нота таниди, қашқар рубобида куй чала бошлади. Қолганини унинг ўзидан эшитинг...



“Ошўғналик отамдан ўтган”

Оддий деҳқон оиласида улгайдим. Дадам қор кетгандан, қор тушгунча ер билан тиллашадиган одам бўлсада, асл санъатнинг чинакам ошўғналариди. Мендаги санъатга қизиқиш отамдан ўтгани аниқ.

“Қайси чолғу асбобини ўрганмоқчисан”, деганларида қашқар рубобининг овози бола қалбимни ром этган. Бу – менинг қисмати бўлса, эҳтимол. Негадир, рубоб сози-га меҳрим тушмаганида, созандаликка бу қадар чуқур кирмас, демакки, хонандалик иштиёқи ҳам сўниб кетган бўлиши мумкин эди, деб ўйлайвераман. Ва худди шу нуқтада муҳим бир хулосага келаман: кў-

шиқчи дегани, албатта, бирор созни мукаммал чала олиши шарт. Чала олмасизми, демак “чала” қоласиз!

Санъат мактабидан муаллимим Алишер Абдуллаевдан қашқар рубоби бўйича илк таълимни олганман. Мана шу мусиқа мактаби келгуси ютуқларим учун кенг имконият яратган. Унда ўрганганларим кейинроқ Ўзбекистон консерваторияси қошидаги иқтидорли болалар лицейида яна ҳам сайқал топди. Шу даврда тор, гитара, электр гитара, соз, уд, доира, дутор чолғуларининг барчасини чалишни ўргандим.

Лекин... айтиб қўяй, Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга топшириб, киролмаганман. Бу энди бошқа мавзу. Шундан сўнг Қозғистондаги шу йўналишдаги олий ўқув юртига ҳужжат топширдим. Яқинда ўқишимни кўчирдим ва Намангандаги институтда педагогика йўналишида таҳсил олаяман.

“Санъатхор” эмас, санъаткор бўлишни истайман”

Келажакимни хонандалик билан бoлганман. Кўшиқ айтиш жону дилим. “Санъатхор” эмас, санъаткор бўлишни истайман!

Айтганча, “санъаткор” сўзини айтишда эҳтиёт бўлганимиз маъқул. Санъаткор – иши санъат кўрсатиш бўлган, санъат яратувчи дегани. Ҳозир икки-учта хонтахта қўшиғи билан телеэкранларни эгаллаб олган кўплаб тенгдошларимиз (улар мени маъзур тутишсин) кўнгилчор радио ва теледастурларга чиқиб олиб, ўзларига нисбатан бемалол санъаткор нисбини бераверадилар.

“Мен санъаткор бўлганидан хурсандман”, дейдилар деҳқонлар. Аслида сен ҳам санъаткор эмассан, шу кўлада тенгдошларинг юрибсан, халос. Санъатнинг ўзи эмас, созасан! Санъаткор бўлишни учун ўз ижро мактабидини танишинг керак. Ҳар ҳада, мен шундай тушунаман. Халқимиз санъаткор деганда Махмуржон Ҳоқов, Фахриддин Умаров, Таваккал Қодиров, Шерали Жўраевни, кейинки авлоддан Озодбек Назарбековни тушунади. Чунки, улар ўз мактабидини таниган ва танитаётганлар.

Тўғриси айтсам, созандалик яхши ҳунар. Бу ёғи тирикчилиги ҳам ёмонмас – яхши созандага яхши пул тўлайдилар. Созни орқасидан бойиб кетиш ҳам мумкин. Аммо, у доим хонанданинг орқасида бўлади. Созанда бўлсангиз сизни кўпматрофларга, раҳматлар эшитмайсиз. Менинг эзгу ниятим – ота-онамга раҳмат келтиришдир. Яхши ҳофиз бўлсангиз, одамлар чин дилдан “Э, ота-онангга раҳмат!” дейишади. Мен ана шуни истайман!

Менга соҳа мутахассислариникидан кўра кўпроқ оддий инсонлар фикри қизиқ. Инсонлар кўшиқларимни эшитиб, маза қилишса мен улардан кўпроқ хурсанд бўламан. Бу ҳақда ота-онамга айтсам, улар мендан кўпроқ қувонишади.

Истеъдод, ижод ва... интернет

Тармоқларга ижод намуналаримни жойлашам бу – зинҳор машҳурлик иштиёқидан

эмас, шунчаки, қизиқишдан. Одамларнинг муносабатини билгим келади.

Дарвоқе, ўзимни синаб кўришни дастлаб танловларда қатнашишдан бошлаганман. Кўплаб беллашулардаги иштироким омад-ли бўлган. Хусусан, 2012 йил “Янги авлод”, 2013 йил “Камалак юлдузлари”, 2014 йил Муҳиддин қори Ёқубов номидаги республика танловида, 2015 йил “Она юрт оҳанглари” халқаро кўрик-танловида, кейинроқ 2016 йил лицейида ўқиётганимда яна бир номдор танловда биринчи ўринга лойиқ топилганман.

Ижтимоий тармоқлардаги чиқишларимга ёзилган бирорта муносабатни бефарқ қолдирмайман. Ҳатто, танқидлар бўлса ҳам. Улардан ҳам тўғри сабоқ ва хулосалар чиқаришга интиламан. Айримлар соз чалишимни, айримлар устозлар йўлидаги ижроимни эътироф этишганига қувонаман. Ўз устимда янада кўпроқ ишлашга даъват этади бу эътирофлар.

“Ўзгича “отарчи” деганг...”

Тўйларда жонли ижрода куй чалиш ва кўшиқ куйлаш ҳам, албатта, самара беради. Мен кўпроқ дўстларим талаби ва истаги билан ўзимни тўйларда ҳам синаб кўрганман. Яқинларим чиқиб кўшиқ айтишимни, соз чалишимни кўп сурашади. Аммо, тўйни масъулиятини кўтариб, бошдан охиригача хонандалик қилмаганман. Тўй бу инсоннинг умрида бир марта бўладиган энг бахтли кун. Мен ҳали бундай масъулиятни кўтариб, тўйни яхши ўтказиб беришга ўзимни тайёр деб ўйламайман. Аслида тўйларга бораётган хонандаларнинг ярми тайёрмас, аммо Яратган ризқ бераётган экан, шуни териб юришибди...

Биласизми, Яратган бизнинг замғига истеъдоднинг уруғини сочиб юборганга ўхшаб туюлади менга. Шундайларни биламан, уларда салоҳият бор, интилиш бор, санъат бор, фақат имконият йўқ, пул йўқ...

Мисол учун, “Ўзбекконцерт” нима иш қилади? Бу таъкилотнинг асл мақсади, базисини нимада? Ўйлаётганларим истеъдодли ёшларни қидириб топишни ёки фақат лицензия сотишни? Балки мен тушунаманки ёшлар қиларман. Аммо пул бўлмаган хонанда қобилиятини бўлсада телеэкранга чиқиб учун, тўйларга бориш учун лицензия олмагаси нима қилади? Албатта, халқ тилида “отарчи” бўлиб текка қилишларда қилиб кетадилар! Яна бу таъкилот ҳофизлар наминан донг урадики, “Ўзгича “отарчи” деганг...”

Тўйларга чиқиб, қишлоқларда қолиб кетаётганларнинг ҳаммасида мақсад бор, улар ҳам юқори ўйқиларни кўзлаган. Лекин... санъат ҳам бир саноат тармоғидек гап бўлиб қолди, гўё. Юзага чиқиш учун пул керак. Абдуллажоннинг отаси айтгандек: “Бу ишлар учун қаааттақон пул керак!”

Оддий оиланинг истеъдодли фарзанди бу пулни қайдан олади? Масалан, мендаям имконият йўқ... Чекка-чеккаларда юрибмиз ҳаммамиз...

Даров битта клип қилиб, танилиб кетишимизга ҳеч биримизда ишонч йўқ. Клип ишлаб танилишни истаб қолсак, телеэкранга чиқишни ният қилсак, боришимиздан ҳам айрилишимиз ҳеч гапмас...



“Демак, биринчи навбатда ёшларни аниқлаб қўлаб-қувватловчи таъкилот бўлиши керак. Ёшлар иштироки ва “Ўзбекконцерт” ёш истеъдодларни қидириб топишни, юзага чиқаришни керак. Сиз бунинг ёш юлдузлардан қилиб кўрсата олсангиз, мана, шу болачақнинг фалон таъкилот қамф этди, деб. Борини, шундайлар? Ё биз деҳқон қолдикми?”

Бугун тинглаган кишининг руҳиятига ором берувчи кўшиқлар яралиши учун Ўзбекистон давлат консерваториясида торли чолғулар йўналиши очилишини истардим... Бу шунчаки таклифим, шундай бўлса юқорида айтганим – имкони йўқлар, чекка-чеккада юрганларга катта мадад бўлиши мумкин...

Мени “Фалончига ўхшаб айтarkan”, дейишларини истайман. Шу сабабли, атай кимгадир таклид қилмайман. Таклид ёмон нарсасо, сояда қолиб кетасиз. Ижрони Шерали Жўраевдан ўтказиб юборсангиз ҳам ҳеч ким бўлмайсиз.

Лекин, асл санъаткорларнинг ижро йўллари ҳавас қилишнинг бор гап. Қизиқки, менда икки хил ҳавас бор. Шерали Жўраев, Оғабек Собиров, Отажон Худойшукуров, Камолиддин Раҳимовларнинг овозига, ижро маҳоратига, кўшиқларига ҳавас қиламан. Санъат соҳасидаги фаолияти ва қайсидир маънода омади жиҳатидан эса Шохрухонга, Улуғбек Раҳматуллаевга бефарқ эмасман. Улар тимсолида бугун санъатда санъатдан ҳам кўра кўпроқ омад кераклигига ишонгинг келади...

Ҳозир одамлар: “Менга шу ҳофизнинг кўшиқлари ёқади, маза қилиб эшитаман”, дейишмаяпти, афсус... Билъакс: “Мен бу кўшиқчини тўйга чақирсам бунақа бўлади, бунинг “состави”да инструментлари кўп, булар гуруҳ бўлиб чиқишади”, деб сифатни сонга адаштиришмоқда. Қани, ўша тўйлардаги гуруҳларга жонли кўшиқ куйла, деб кўринг...

Ҳозир оммалашаётган кўшиқларда эса маъно йўқ. Эшитиб нимадир олмайсиз, кўпининг сўзларига тушунмайсиз. Аллақандай хом-хатала матнларни шеър деб, куйлаб қийаётганлар кўп.

Бизда ҳақиқий шеърят бор. Кўшиқнинг умрбоқийлиги сўзнинг бадиъиятига боғлиқ. Дейлик, “Ун сақизга кирмаган ким бор?”, “Карвон кўрдим”, “Бог кўйида икки дарахт”, “Бу кунларга етганлар бор...” каби кўшиқларнинг умрбоқийлиги асосан шеърларининг зўрлигидан. Чунки, бу

кўшиқларни қайси ҳофиз айтса ҳам тинглашади. Уларни адабиётимизда асл шеърят яратган Эркин Воҳидов, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиевалар ёзишган-да.

Шундай шеърлардан яралган кўшиқлар бўладики, уларни бемалол битта кино қилса арзийди. Бадиъят зўр, моҳият зўр, тасвир ва тасаввур зўр. Уларни тинглаган кишида дид ўсади, эстетик завқи шаклланади...

Бугунги эстрада юлдузларининг ҳамма кўшиқларини тарозининг бир палласига қўйиб, Шерали Жўраевнинг кўшиқларини иккинчи паллага жойлаб кўринг! Устознинг бир кўшиғидаги: “Бу дунёку маним кўнглим ярим этди, ярим билан қуйласам ҳам олам тўлар...” (Усмон Азим сатрлари) деган мисраларнинг ўзини бугунги аксар ёш хонандаларнинг бутун бисотига олишмаган бўлардим.

Ё, Сиз алишармидингиз...

“Суюқли бўлиш машҳур бўлишдан яхши...”

Дейлик, Сиз профессионал журналист бўлишингиз учун ҳар кун камидан 30 саҳифа ўқишингиз, беш-ўн саҳифа қоралашингиз шарт. Тўғрими? Профессиял созанда, хонанда бўлиш учун ҳам кунига йўқ деганда 6-8 соат машқ қилиш керак!

Бу осон эмас, лекин ҳаракат қиламан! “Машаққатсиз ҳунар бўлмас”, деганлар Машраб бобо. Санъат шундай соҳаки, у ўрта-миёналикни суймайди. Ўрта-миёна созанда, ўрта-миёна хонанда ҳеч кимга керакмас. Агар шундай бўлса, эсимиз борида этанки ёлиб, бошқа бир ҳунар қилганимиз тузук. Шунда ҳамиятга эҳтимол, кўпроқ фойдамиз тегармикан...

Халқ артисти бўлиш осондир, лекин чинакам халқ сўйган санъаткор бўлиш ҳаммага ҳам эмас. Унёнлар нисбий тушунча. Ҳамма замонларда ҳам казо-казо созанда хонандалар, ҳавасқор профессоналлар бўлган. Минг-минглаб! Лекин, ким қолди? Халқнинг ёдида халққа суюқли бўлганларгина қолди! Суюқли бўлиш машҳур бўлишдан яхши. Сувимли бўлиш халққа чин дилдан хизмат қилиш билан бўлади. Ўзининг назари эса ҳар қандай истеъдодни ё бор қилади, ё ҳор...

Бу борада биз шеърлари асосида яралган кўшиқларни севиб тинглайдиган Чустий ҳазратлари нечоғлик ҳақлар: “Айтинг-айтинг, эл аро ҳеч ким назардан қолмасин!”

“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Мадина АБДУСАМАТОВА
суҳбатлашди

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:

111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:

(факс)
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:
Электрон почта: toshkenthqiqati@mail.ru

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета “Тошкент ҳақиқати” таҳририяти компьютер
марказида терилди ва Тохир Махмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусаввиф
Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи
Равшан БАЙЖАКОВ